

ҚЎҚОН ШАҲАР "ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ
№ 04-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Қўқон шаҳар
Фурқат кўчаси 100-уй

08.06.2026-йил
соат 15:00

Иштирокчиларнинг йиғилиш формати: шахсан (online) ва сиртдан (offlain) – масофавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Иштирокчилар:

Йиғилиш раиси: Мингбаев Ойбек Маруфжонович - Кузатув кенгаши аъзоси
Йиғилиш котиби: М.М.Арипов

Кузатув кенгаши аъзолари:

1. Ташбаев Илҳом – Кузатув кенгаши аъзоси, Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшма раиси ўринбосари;
2. Асқаров Сайидулғбек Алишер ўғли – Кузатув кенгаши аъзоси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги котиби;
3. Мелибаев Жаҳонгир Адилевич – Кузатув кенгаши аъзоси, тадбиркор.
4. Рашидов Мухаммадхон Улғбек ўғли – Кузатув кенгаши аъзоси (масофадан туриб иштирок этди: уяли алоқа, Zoom, Telegramm).

Жами иштирок этди 5 (беш) киши, кворум 100 %.

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқаруви раиси – Н.М.Ашурбаев, бошқарув раиси ўринбосари – С.А.Ахунов, бош ҳисобчи – Б.И.Далиев.

Кун тартиби:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ Бизнес-режасининг 2025 йил молия-хўжалик йили ва 2026 йил I-чорак якуни бўйича кўрсаткичларнинг бажарилиши юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
2. Аудит хизматининг жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунларини текшириш бўйича ҳисоботини муҳокама қилиш тўғрисида.
3. "Корпоратив бошқарув кодекси"нинг бажарилиши тўғрисида.
4. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини муҳокама қилиш тўғрисида.
5. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартиби, дивидендлар миқдори ва дивидендлар тўлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар бериш тўғрисида.
6. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ акциядорлари томонидан жамият Кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш тўғрисида.
7. Жамиятнинг айланма маблағларини шаклантириш мақсадида АТ "Алоқа банк" Қўқон ҲҚХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағини жалб қилиш (йирик битим тузиш) учун Кузатув кенгашининг розилик қарорини олиш.
8. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ акциядорларининг навбатдаги 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи умумий йиғилишни чақириш тўғрисида. Жумладан:
 - 8.1. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида;

- 8.2. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини тузиш санасини белгилаш тўғрисида;
 - 8.3. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини тузиш санасини белгилаш тўғрисида;
 - 8.4. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисида;
 - 8.5. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матнини тасдиқлаш тўғрисида;
 - 8.6. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида;
 - 8.7. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг саноқ комиссиясини тузиш тўғрисида.
9. Жамиятнинг 2026 йил молиявий хўжалик фаолияти якунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ташқи аудиторлик ташкилотлари томонидан келиб тушган тижорат таклифларни ўрганиш.

Кузатув кенгашига тақдим этилган ахборот (маълумот) ва материаллар:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқарув раисининг 2025 йил молия-хўжалик йили ва 2026 йил I-чорак якуни бўйича бизнес-режа параметрларини бажарилиши юзасидан ҳисоботи.
2. 2025 йил якунлари бўйича аудит ташкилотининг йиғма ҳисоботи хулосаси.
3. Корхона бухгалтериясининг солиқ органларига топширилган ҳисоботлар: баланс ва молиявий натижалар (Ф-1, Ф-2).

Йиғилишни Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев очди ва раислик қилди.

Кун тартибининг биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевга берди.

Жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаев ҳисоботида 2025 йил молия-хўжалик йили ва 2026 йил I-чоракда амалга оширилган ишлар бўйича қисқача ҳисобот берди, сўнг 2025 йил учун тасдиқланган бизнес-режа бажарилиши, унинг асосий кўрсаткичлари, олинган соф фойда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг ижроси ҳақида ахборот берди.

Жумладан, жамият 2025 йилда қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўлашлигини ҳисобга олиб, йил давомида умумий тушум (ҚҚСсиз) **6 630 639,82 минг сўм**, фойда солиғини тўлангунга қадар фойда **1 063 122,40 минг сўм**, фойда солиғи **168 458,43 минг сўм**, олинган соф фойда миқдори **894 663,97 минг сўм**ни ташкил қилганлигини айтиб тушунтириш берди.

2025 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича **37 031,0 минг сўм** соф фойда олиш режалаштирилган бўлсада, амалда **894 663,97 минг сўм** бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишига эришилди.

Жамиятда 2026 йил I-чоракда умумий тушум (ҚҚСсиз) **1 969 143,82 минг сўм**, фойда солиғини тўлангунга қадар фойда **302 592,53 минг сўм**, фойда солиғи **45 388,88 минг сўм**, олинган соф фойда миқдори **257 203,65 минг сўм**ни ташкил қилганлигини айтиб ўтди.

2026 йил I-чорак учун маъқулланган бизнес-режа бўйича **120 069,0 минг сўм** соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда эса **257 203,65 минг сўм** соф фойда олиниб, режани ортиғи билан бажарилишига эришилди (*Бошқарув раисининг ҳисоботи илова қилинади*).

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокарага чиққан Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевнинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш таклифини билдиришди ва бу таклиф тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибининг иккинчи масала юзасидан “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти хулосасини эшиттириш учун жамият бош ҳисобчиси Б.И.Далиев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг 2025 йилдаги фаолиятини аудит стандартларига асосан ўгирилган, 2026 йил 10 апрельдаги аудиторлик текшируви ва хулосасини муҳокама қилишда акциядорлик жамияти фаолиятини таҳлилий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳисоботлар тақдим қилинганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ж.А.Мелибаев ва С.А.Асқаров савол бериб, муҳокамадан сўнг ташқи аудитор (Н.Г.Суяркулов, З.М.Сулаймонов)ларнинг ҳисоботини овозга қўйишди.
(Аудит хизматининг ҳисоботи илова қилинади).

Мажлис қатнашчилари томонидан аудит хизматининг ҳисоботини тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш кун тартибига киритилиши учун овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибининг учинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг 2025 йил давомида Корпоратив бошқаруви тизимини баҳоланишини айтиб ўтди. Корпоратив бошқарув кодексига риоя этилиши юзасидан, 2026 йил 10 апрель кунги №1-сонли мустақил баҳоловчи “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ томонидан 2025 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан хулоса тақдим этилгани ва жамият фаолияти самарадорлиги “қониқарли” деб топилган. (Аудиторлик ташкилоти хулосаси илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала юзасидан музокарага чиққан Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев ўз фикрларини билдириб, бу масалани акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш кун тартибига киритилиши учун овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибининг тўртинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Б.И.Далиев сўзга чиқиб, жамият 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини батафсил йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди, бу ҳисоботлар қонунда белгиланган муддатларда тегишли давлат ташкилотларига топширилганлиги ва ташқи аудит “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ томонидан ҳам тўғри ҳисобланганлиги бўйича тушунтириш берди.

(Корхона бухгалтерия баланси, форма №1, молиявий натижалар ҳисоботи, форма №2, ташқи аудит хизматининг ҳисобот ва хулосаси илова қилинади).

Йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев музокарага чиқиб, 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш кун тартибига киритилиши учун овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибининг бешинчи масала юзасидан музокарага чиққан Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев, жамиятнинг 2025 йилда олинган **894 663 970 (саккиз юз тўқсон тўрт миллион олти юз олти миш уч минг тўққиз юз етмиш) сўм** соф фойда тақсимланиши, “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2026 йил 10 апрель кунги №02/09-1-17/1539-сонли хатига асосан 2025 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2026 йил 01 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши белгиланган.

Сўзни жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаев олиб, бозорни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси билан йиғилиш қатнашчиларига қисқача маълумот берди.

Хусусан, бозор маъмурияти зиммасига (шаҳар ҳокими М.А.Усмоновнинг бевосита ташаббуси, хизмат йиғилишларидаги ва йирик таъсисчи сифатида бу борадаги топшириғига асосан) шаҳар марказидаги “Муқимий боғи”да байрам, фестиваль ва сайил кунларида “қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ярмаркалари”ни ташкил этишда фойдаланиш учун миллий шарқона меъморчилигига асосланган ёғоч ўймакорлиги йўналишида “савдо айвони” куриш ва мақсадли равишда фойдаланиш вазифаси юклатилганлигини, ушбу тадбирларга – 182,0 млн. сўм;

бозор маъмурий биносида мавжуд “ситуацион маркази” хонасини замонавий қилиб қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш (электрон компьютер жиҳозлари, мониторлар, хотира хажми катта бўлган процессорлар ва ҳ.к. сотиб олиш) тадбирлари учун – 125,0 млн. сўм;

рақамлаштириш билан боғлиқ ишларни давом этиш (“CLICK” АЖ билан ҳамкорликда қўшимча камералар жойлаштириш, кириш/чиқиш дарвозаларига “шлагбаум/тўсиқ” ўрнатиш) ишларини бажариш учун – 96,0 млн. сўм, жами 403,0 млн. сўм пул маблағлари сарфланиши белгиланган.

Йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Ж.А.Мелибаев сўз олиб юқоридаги тадбирларга 182,0 млн. сўм ишлатилишига қарши эканлиги юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Сўнг Кузатув кенгаши аъзолари соф фойдани бошқарув томонидан тақдим этилган таклифи асосида қуйидагича тақсимланиши учун акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши тасдиғига киритишни айтиб ўтди.

Дивидендларга - 50% (447 331 985,0 сўм);

Жамият заҳира фондига - 5% (44 733 198,5 сўм);

Бозорни ривожлантиришга - 45% (402 598 787,0 сўм);

Т/р №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	Бир дон ақцияга ҳисобланган дивиденд суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф фойданинг фоиз (%) қисмида
1.	Дивиденд тўловига жами бўлиб:	48.797	Ҳар бир оддий ақция учун 9167,2 сўмдан	447 331 985,0	50,00
Шундан					
1.1.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги улуши бўйича	24.887	-	228 139 312,0	51,00
1.2.	Қолган акциядорлар улуши бўйича	23.910	-	219 192 673,0	49,00
2.	Жамият заҳира фондига:	-	-	44 733 198,5	5,00
3.	Бозорни ривожлантиришга:	-	-	402 598 787,0	45,00
	ЖАМИ:	48.797	-	894 663 970	100,00

Ушбу таклиф бўйича йиғилиш қатнашчиси Ж.А.Мелибаев ўз танқидий фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди. Сўнг юқоридаги тақдим этилган таклифлар ва эътирозлар инобатга олиниб, масалани акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши тасдиғига киритиш белгиланди ҳамда овозга қўйилди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибининг олтинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖнинг Кузатув кенгаши таркиби белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган, лекин ҳозирда (асосий иш жойида меҳнат шартномаси бекор бўлган ва) ишдан бўшаганлиги ҳамда уч йилга сайланган муддати якунланаётган кенгаш аъзолари ўрнига сайлаш учун янги номзодлар таркиби акциядорлар томонидан киритилган.

Жумладан, “YULINTER” МЧЖнинг 15.01.2026 йилги №02-сон хатига асосан Д.Ташпулатов номзоди; “Фарғона вилояти деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси”нинг 23.02.2026 йилги №20/11-сон хатига асосан И.Ташбаев номзоди; Қўқон шаҳар ҳокимлигининг 26.05.2026 йилги №02-02/2860-сон хатига асосан О.Курбанов (О.Мингбаев ўрнига) ва Х.Мадалиев (М.Рашидов ўрнига) номзодлари киритилган.

“YULINTER” МЧЖ, “Фарғона вилояти деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси” ҳамда Қўқон шаҳар ҳокимлигининг алоқа хатларига мувофиқ жамият Кузатув кенгаши таркибига тавсия этилган (Д.Ташпулатов, И.Ташбаев, О.Курбанов ва Х.Мадалиев) номзодлар 2025 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига киритилишини овозга қўйилди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибининг еттинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўзга чиқиб, жамият бошқарув ижроия органи томонидан жамиятнинг айланма маблағларини шаклантириш мақсадида АТ “Алоқа банк” Қўқон ҲҚХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдоригача (жорий йил давомида) кредит маблағини жалб қилиш (йирик битим тузиш) учун Кузатув кенгаши аъзолари розилиги сўралгани ҳамда жамият бошқарув ижроия органи томонидан ушбу миқдордаги кредит маблағлари йил давомида жалб қилиниши ва сарф-харажатлар сметаси бўйича чора-тадбирлар режа-лойиҳаси билан таништирди.

Қоидага кўра, йирик битимларни тасдиқлаш ваколатлари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, жамият томонидан тузиладиган кредит (қарз, гаров, кафиллик ва ҳ.к.) каби битимлар ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади. Битимларнинг қийматига қараб жамият кузатув кенгаши аъзолари ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан розилик берилиши бўйича қарор қабул қилиниши мумкинлигини маълум қилди.

Сўзга Кенгаш аъзоси Ж.А.Мелибаев чиқиб, жамият томонидан кредит маблағларини жалб қилинишига қарши эканлигини ҳамда бошқарув органи томонидан киритилган масала юқорида кўрсатилган Қонуннинг 84-моддасига (йирик битим тузиш) асосида ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлиши ҳамда йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда, йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиши учун олиб чиқилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Ушбу таклиф бўйича қолган йиғилиш қатнашчиларининг фикр ва мулоҳазалари эшитилиб, йиғилиш қатнашчилари томонидан йирик битим тузиш масаласида розилик

берилишида яқдилликга эришилмаганлиги сабабли, ушбу масалани акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиниши учун олиб чиқилиши овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибининг саккизинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўз олиб, Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ 2025 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2026 йил 29 июнь куни соат 15:00 да жамиятнинг Қўқон шаҳар, Фурқат кўчаси, 100-уй манзилида ўтказилишини айтиб, масалани овозга қўйди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибидаги 8.1. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖнинг 2025 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибини қуйидагича тасдиқлашни овозга қўйди.

1. 2025 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
2. 2025 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2025 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.
5. 2025 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.
6. 2026 йил учун жамият Бизнес-режа ҳамда ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамиятнинг 2026 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.
9. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини тасдиқлаш.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибидаги 8.2. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси С.А.Асқаров сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини тузиш санаси 2026 йил 10 июнь куни деб белгилашни овозга қўйди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибидаги 8.3. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини тузиш санаси 2026 йил 25 июнь куни деб белгилашни овозга қўйди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибидаги 8.4. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик

ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга белгиланган тартибда хабар бериш жамият бошқарувида юклатилишини овозга қўйди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибидаги 8.5. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни иловага асосан тасдиқлашни овозга қўйди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибидаги 8.6. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхати, биринчи навбатда акциядорлар ҳуқуқлари бузилмаган ҳолатда оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши, почталар орқали акциядорларга етказилиши, расмий веб сайтларга чиқарилишини таъминлашни бошқарув зиммасига юклатилишини таъкидлаб ўтди ва ушбу масалани овозга қўйди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибидаги 8.7. масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси И.Ташбаев сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг санок комиссиясига қуйидаги номзодлар: Хошимова Махоратхон, Кадинова Маликахон, Якубжанова Мамурахон киритилишини ва уларга юкланган муҳим вазифаларни айтиб, ушбу масалани овозга қўйди.

Розилар – 5, Қаршилар – _____, Бетарафлар – _____.

Кун тартибининг тўққизинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси О.М.Мингбаев сўз олиб, жамиятнинг 2026 йил молиявий фаолияти якунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича бир қатор аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушган бўлиб, “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ – 12,0 млн. сўм ҚҚСсиз (13.05.2026 йил №04-сон алоқа хати), “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ – 8,0 млн. сўм ҚҚСсиз (13.05.2026 йил №06-сон алоқа хати) ва “LEKSAN INFO” МЧЖ – 10,0 млн. сўм ҚҚСсиз (15.05.2026 йил №07-сон алоқа хати) аудит ташкилотларининг тижорат таклифларини жамият акциядорлари умумий йиғилиши бюллетенига киритиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб ўтди.

Кузатув кенгаши аъзоси Ж.А.Мелибаев кун тартибидаги тўққизинчи масаласида жамиятнинг 2026 йил молиявий фаолияти якунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш жараёнини Давлат харидлари Қонуни асосида амалга ошириш таклифини киритди, ушбу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

Шу сабабли, жамият ижроия органи раҳбарига (Н.Ашурбаев):

жамиятнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш жараёнини Давлат харидлари Қонуни (Е-Харид платформаси) асосида амалга ошириш чораларини кўриш ҳамда қисқа фурсатда эълонларни Давлат харидларининг сайтига жойлаштириш;

танлов натижалари бўйича бошқарув органи томонидан расмийлаштирилган (Кузатув кенгаши аъзолари билан келишилган ҳолда тузилган) баённомани ва тижорат

таклифларини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш таклиф этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзолари И.Ташбаев ва С.А.Асқаровлар ҳам ўз фикрларини билдириб ўтдилар ва масала овозга қўйилди.

Розилар - 5, Қаршилар - _____, Бетарафлар - _____.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, муҳокама қилинганидан сўнг, овоз бериш натижаларига асосан Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ,-

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқарув раиси Н.М.Ашурбаевнинг 2025 йил ва 2026 йил I-чорақда Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда 2025 йил ва 2026 йил I-чорақда молиявий-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
 - 1.1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевга:
 - 2026 йил II-чорақда Бизнес-режада белгиланган барча кўрсаткичларни, жумладан, соф фойдани бажарилишини таъминлаш;
 - Харидорларга сотувчилар томонидан хизмат кўрсатиш ишлари даражаси бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;
 - Дебитор ва кредитор қарзларни қисқартириш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.
2. 2025 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятида Аудит хизмати томонидан текшириш ва ҳисобот хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.
3. 2025 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятида Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича "AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK" МЧЖнинг хулосаси умумий йиғилиш кун тартибига тасдиқлаш учун киритилсин.
4. 2025 йил учун жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи маълумот учун қабул қилинсин ва дебиторлик, кредиторлик қарзларни камайтириш, ҳаражатларни қисқартириш чораларини кўриш кўрсатиб ўтилсин ҳамда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши муҳокамасига киритилсин.
5. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартиби, дивидендлар миқдори ва дивидендлар тўлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига тасдиқлаш учун киритилсин:
 - Дивидендларга - 50% (447 331 985,0 сўм);
 - Жамият заҳира фондига - 5% (44 733 198,5 сўм);
 - Бозорни ривожлантиришга - 45% (402 598 787,0 сўм);

Т/р №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	Бир донга акцияга ҳисобланган дивиденд суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф фойданинг фоиз (%) қисмида
1.	Дивиденд тўловига жами бўлиб:	48.797	Ҳар бир оддий акция учун 9167,2 сўмдан	447 331 985,0	50,00
Шундан					
1.1.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги улуши бўйича	24.887	-	228 139 312,0	51,00

1.2.	Қолган акциядорлар улуши бўйича	23.910	-	219 192 673,0	49,00
2.	Жамият захира фондига:	-	-	44 733 198,5	5,00
3.	Бозорни ривожлантиришга:	-	-	402 598 787,0	45,00
ЖАМИ:		48.797	-	894 663 970	100,00

Кузатув кенгаши аъзоси Ж.А.Мелибаевнинг тадбирларга 182,0 млн. сўм ишлатилишига қарши эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ акциядорлари ("YULINTER" МЧЖнинг 15.01.2026 йилги №02-сон хатга асосан Д.Ташпулатов номзоди; "Фарғона вилояти деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси"нинг 23.02.2026 йилги №20/11-сон хатга асосан И.Ташбаев номзоди; Қўқон шаҳар ҳокимлигининг 26.05.2026 йилги №02-02/2860-сон хатга асосан О.Курбанов ва Х.Мадалиевлар номзоди) томонидан киритилган хатларда жамият Кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган шахс (Кузатув кенгаши таркибига киритилган номзод)лар акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши асосида овоз бериш бюллетенига киритилсин.
7. Жамиятнинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида АТ "Алоқа банк" Қўқон ҲХХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағини жалб қилиш (йирик битим тузиш)да яқдилликга эришилмаганлиги сабабли, ушбу масалани акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиниши учун олиб чиқиши бўйича қарор қабул қилинсин.
8. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖнинг 2025 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши 2026 йил 29 июнь куни соат 15:00 да жамиятнинг Қўқон шаҳар, Фурқат кўчаси, 100-уй манзилида ўтказилсин.

- 8.1. Қўқон шаҳар «Деҳқон бозори» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг кун тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. 2025 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
2. 2025 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2025 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини тасдиқлаш.
4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.
5. 2025 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.
6. 2026 йил учун жамият Бизнес-режа ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамиятнинг 2026 йил молия-хўжалик фаолияти учун (Давлат харидлари Қонуни "Е-Харид платформаси" асосида танлаб олинган) ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматида тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.
9. Жамият фаолиятида Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини тасдиқлаш.
10. Жамият томонидан (айланма маблағларини шакллантириш учун) АТ "Алоқа банк" Қўқон ҲХХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдоригача кредит маблағини жалб қилиш ва йирик битим тузиш бўйича қарор қабул қилиш.


- 8.2. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини тузиш санасини 2026 йил 10 июнь куни деб белгилансин;

- 8.3. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида қатнашиш (иштирок этиш) ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини тузиш санаси 2026 йил 25 июнь куни деб белгилансин;
- 8.4. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга белгиланган тартибда хабар бериш жамият бошқарувига юклатилсин;
- 8.5. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Иловага асосан тасдиқлансин;
- 8.6. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган барча ахборотлар рўйхати тасдиқлансин;
- 8.7. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибига қуйидаги: Хошимова Махоратхон, Кадирова Маликахон, Якубжанова Мамурахон номзодлари киритилсин.
9. Жамиятнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш жараёни "E-Xarid платформаси" асосида амалга оширилсин ҳамда ташқи аудиторлик ташкилотининг хизмати учун тўловни белгилаш ҳамда тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ
Кузатув кенгаши раиси:

Кузатув кенгаши аъзолари:

Йиғилиш котиби:



О.М.Мингбаев.

И.Ташбаев.

С.А.Асқаров.

Ж.А.Мелибаев.

М.У.Рашидов.

М.М.Арипов.

Баённома 2026 йил "18" июнь куни 2 (икки) нусхада тузилди.